

Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари ¹ 2025 йил январь-март


- I. Хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси
- II. Хизматлар соҳасини ҳудудлар кесимида ривожланиши
- III. Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар соҳаси ривожланишининг асосий кўрсаткичлари
- IV. Хизматлар соҳасининг статистик кўрсаткичлари бўйича тушунтиришлар
- V. Фойдали ҳаволалар

I. Хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

2025 йил январь-март ойларида дастлабки маълумотларга кўра, (норасмий ва яширин иқтисодиётни баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда), кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **210 849,6** млрд сўмни ташкил этди. 2024 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **112,6 %** ни ташкил этиб, унинг ҳажми эса **41 640,9** млрд сўмга ўсиши қайд этилди.

Маълумот учун: 2024 йил январь-март ойларида хизматлар ҳажми **169 208,7** млрд сўмни, ўсиш суръати эса **114,2 %** ни ташкил этган.

Кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръати динамикаси



¹ 2024 йил январь-март ойлари ҳажми ва 2025 йил январь-март ойлари учун маълумотлар норасмий ва яширин иқтисодиётни баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган.

2025 йилнинг январь-март ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **5 604,6** минг сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даври (**4 587,9** минг сўм)га нисбатан **1 016,7** минг сўмга ёки **10,4 %** га ўсиш қайд этилди.

Ушбу таҳлил қилинаётган даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **113 910,5** млрд сўмни ёки бозор хизматлари умумий ҳажмининг **54,0 %** ини ташкил этди.

II. Хизматлар соҳасини ҳудудлар кесимида ривожланиши

Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимида асосий кўрсаткичлари
2025 йил январь-март

	Ҳажми, млрд сўм	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси ²	210 849,6	100,0	112,6
Қорақалпоғистон Республикаси	6 980,3	3,3	107,3
вилоятлар:			
Андижон	10 446,1	5,0	111,4
Бухоро	8 711,8	4,1	108,9
Жиззах	4 856,5	2,3	109,3
Қашқадарё	10 704,0	5,1	111,2
Навоий	5 129,9	2,4	113,1
Наманган	10 614,3	5,0	109,2
Самарқанд	14 972,7	7,1	114,0
Сурхондарё	7 066,0	3,4	110,5
Сирдарё	2 803,8	1,3	108,8
Тошкент	14 053,0	6,7	110,7
Фарғона	13 900,4	6,6	111,0
Хоразм	7 091,6	3,4	110,7
Тошкент шаҳри	80 150,9	38,0	116,9

Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Кўрсатилган бозор хизматларининг ҳудудлар кесимидаги ҳажми](#)

Тошкент шаҳри республикада юқори улушга эга (**38,0 %**) бўлгани боис, мамлакатнинг энг йирик иқтисодий маркази эканлиги билан изоҳланади. Шунингдек, аҳолининг юқори зичлиги транспорт инфратузилмасига, савдога, таълимга, соғлиқни сақлаш, ҳордиқ чиқариш каби турли хизматларга бўлган эҳтиёжни оширади. Бундан ташқари, пойтахт ривожланган транспорт тизими, савдо ва бизнес марказлари ҳамда бошқа йирик объектларга эга бўлиб, у ўз ўрнида хизматлар соҳасини тобора ривожланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

² Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда.

III. Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар соҳаси ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” ПҚ-78-сон қарорида мамлакатимиз иқтисодиётида хизматлар соҳаси улушини ошириш, шунингдек, соҳада фаолият кўрсатаётган тadbиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳамда унинг мониторингини юритиш бўйича мақсадли параметрлари белгиланган.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига молиявий хизматларнинг **19,6 %** га (кўрсатилган хизматлар жами ҳажмининг ўсишига таъсири **3,4** бандни ташкил этди), транспорт хизматларининг **11,5 %** га (ўсишига таъсири **2,2** бандни), яшаш ва овқатланиш хизматларининг **9,6 %** га (ўсишига таъсири **1,9** бандни), савдо хизматларининг **9,1 %** га (ўсишига таъсири **1,6** бандни), алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг **24,3 %** га (ўсишига таъсири **1,6** бандни) ўсиши асосий омил бўлиб хизмат қилди. Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларнинг **11,2 %** га ва таълим соҳасидаги хизматларнинг **7,6 %** га ўсиши жами кўрсатилган хизматлар ҳажмининг **0,3** бандга ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари (январь-март)

	Ҳажми, млрд сўм		Ўсиш суръати, % да
	2024 й.	2025 й.	
Хизматлар – жами	169 208,7	210 849,6	112,6
<i>шундан:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	11 542,2	16 845,9	124,3
молиявий хизматлар	29 580,8	36 444,9	119,6
транспорт хизматлари	32 292,6	40 395,1	111,5
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	<i>16 259,1</i>	<i>20 109,9</i>	<i>110,6</i>
яшаш ва овқатланиш хизматлари	33 360,5	41 016,2	109,6
савдо хизматлари	29 940,8	34 418,2	109,1
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	4 537,2	5 723,2	111,2
таълим соҳасидаги хизматлар	6 415,0	8 056,1	107,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	3 521,3	4 351,0	109,8
ижара хизматлари	2 159,7	2 926,5	107,1
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	2 666,4	3 244,3	109,7
шахсий хизматлар	3 483,9	4 447,9	108,0
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	2 164,2	2 983,1	109,4
бошқа хизматлар	7 544,1	9 997,2	110,7

Мавзу бўйича кўрсаткичлар:


Кўрсатилган бозор хизматларининг асосий турлари бўйича ҳажми

2025 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида яшаш ва овқатланиш хизматлари **19,5 %**, транспорт хизматлари **19,2 %**, молиявий хизматлар **17,3 %**, савдо хизматлари **16,3 %**, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари **8,0 %**, таълим соҳасидаги хизматлар эса **3,8 %** улушни ташкил этди.

Таққослаш учун: 2024 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида хизматларнинг умумий ҳажмида яшаш ва овқатланиш хизматлари **19,7** фоиз, транспорт хизматлари **19,1** фоиз, молиявий хизматлар **17,5** фоиз, савдо хизматлари **17,7** фоиз, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари **6,8** фоиз, таълим соҳасидаги хизматлар эса **3,8** фоиз улушни ташкил этган.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг ўсишига **компьютер дастурлаштириш хизматларининг** ўсиши таъсир кўрсатди. 2025 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида компьютер дастурлаштириш хизматларининг алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари умумий ҳажмидаги улуши **43,8** фоизни ташкил этди. 2024 йилнинг мос даврига нисбатан унинг ўсиш суръати **136,7** фоизни ташкил этган.

Компьютер дастурлаштириш хизматларининг ўсиш суръати динамикаси




2025 йилнинг январь-март ойларида, **транспорт** соҳаси таркибидаги **ҳаво транспорти хизматлари** (**131,5** фоиз), **почта ва курьерлик хизматлари** (**143,2** фоиз), шунингдек, **омборга жойлаштириш хизматлари** ва **ёрдамчи транспорт хизматлари** (**119,4** фоиз) юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Ҳаво транспорти хизматлари ҳажмининг ошишига ички туризмнинг ривожланиши ва халқаро туристик оқимнинг кўпайиши, янги авиакомпаниялар ва йўналишларнинг пайдо бўлиши, аэропортларнинг модернизация қилиниши ва инфратузилманинг яхшиланиши каби қатор иқтисодий ва ижтимоий омиллар билан боғлиқдир. Шунингдек, ушбу омиллар

омборга жойлаштириш хизматлар ва ёрдамчи транспорт хизматларининг ўсишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Электрон тижоратнинг ўсиши, хусусан, онлайн савдо ва бозор майдонларининг кенгайиши, логистика таъминотининг яхшилангани ҳамда замонавий саралаш ва етказиб бериш марказларининг ташкил этилгани, шунингдек, курьерлик хизматлари соҳасида кичик бизнеснинг ривожланиши ва рақобатнинг кучайиши почта ва курьерлик хизматларининг ўсишига туртки бўлди.

Транспорт хизматларининг алоҳида турлари бўйича хизматлар ҳажми



IV. Хизматлар соҳасининг статистик кўрсаткичлари бўйича тушунтиришлар

Ойлик хизматлар ҳажми қуйидагилар асосида шакллантирилади:

- а) тижорат ташкилотлари (кичик корхоналар, микрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно), тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари ва нотижорат ташкилотлари (рўйхат) бўйича статистика ҳисоботлари;
- б) кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини чораклик кузатув маълумотлари ҳамда кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона йиллик ҳисобот натижалари бўйича баҳолаш;
- в) фермер хўжаликлари ва нотижорат ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини тегишли статистика ҳисобот шакллари асосан баҳолаш;
- г) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳар чоракда ўтказиладиган танланма кузатув натижаларига кўра баҳолаш.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми бу – хизмат кўрсатишга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган барча хизматлар кўрсатувчилар (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан истеъмолчиларга (юридик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматидир.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича **кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмида** кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича **ҳисобланган тўловлар қўшилган қиймат солиғи ва акцизсиз** ҳисобга олинади.

Хизматлар олди-сотди объекти бўлиб, иқтисодий аҳамиятга эга (хизматларни ишлаб чиқарувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда **бозор хизматлари ишлаб чиқарилиши** ҳисобланади. Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар нақд пул, шу жумладан, пластик карточкалар ва пул ўтказиш, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Норезидентларга кўрсатилган хизматлар (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), хизматларга тўловларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмнинг белгиланган курси бўйича қайта ҳисобланган шартнома нархлари бўйича аниқланади.

Фаолият турлари бўйича **хизматларни таснифлаш**, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичига мувофиқ амалга оширилади.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми МСТ бўйича таснифланган барча иқтисодий фаолият турларининг хизматларга тегишли қисми (G-S секциялар) бўйича шакллантирилади.

V. Фойдали ҳаволалар

Кўрсатилган бозор хизматларининг статистик ҳисоби бўйича услубий низом

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (МСТ)

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичининг G, H, I, J, K, L, M, N, O, P, Q, R ва S секциялари кодлари батафсил (кенгайтирилган) рўйхати

Чиқариш учун жавобгар:

Хизматлар соҳаси статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,

Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63

Почта: info@stat.uz

Тел.: 71-203-80-00 (1280, 1283)

